



## Бунёдкорлик лойиҳаларидан асосий мақсад – иш ўринлари

**Президент Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни қурилиш лойиҳалари тақдими билан танишди.**

Янги Ўзбекистон кўчаси пойтахтимизнинг муҳим йўлларидан бирига айланиб бормоқда. Охирги йилларда у ерда янги боғ, кўприк, университет барпо этилди. Энди бу кўча бўйида 610 гектар майдонда уй-жойлар, меҳмонхоналар, кинотеатр, ресторанлардан иборат замонавий мажмуалар қуриш режалаштирилган.

Давлат раҳбари аввало мазкур лойиҳа макетини кўздан кечирди. Лойиҳага асосан, бинолар тўрт қаватли, тўрт хил дизайнда бўлади. Биринчи қаватда савдо ва хизмат кўрсатиш муассасалари фаолият юритади. Юқори қаватларда хонадонлар ёки меҳмонхоналар бўлади. Кўча бўйида пиёда ва велосипед йўлаклари, ерусти ва ерусти йўллари барпо этилади.

Президентимиз лойиҳани маъқуллаб, уларни энергиятежамкор қилиб қуриш, иссиқ ва совуқда муътатил бўлишини таъминлаш бўйича тавсиялар берди. Иш ўринларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

— Энг муҳими — халқимизга муносиб яшаш шароити ва иш ўринлари яратиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Хисоб-китобларга кўра, биналарда 1 миллион 700 минг квадрат метр савдо ва хизмат кўрсатиш майдони бўлади. Бунинг негизда 14 мингдан ортқ иш ўрни ташкил этилади.

Шунингдек, ушбу кўчада жойлашган “Тошкент-Шарқий” аэропорти инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун замонавий шароитлар яратиш чоралари ҳам белгиланди.

30 январь куни ўтказилган тақдимотда маҳалла марказлари барпо этиш лойиҳаси кўриб чиқилган эди. Бу гал Президент кўрсатмалари асосида қайта ишланган лойиҳа тақдимот қилинди.

Унга кўра, бундай марказларда стадион, ўйин майдончалари, кутубхона, компьютерхона, ошхона, ҳаммом ва бошқалар бўлади.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги таклифи

асосида ушбу марказлар жойини аниқлаш вазифаси қўйилди.

— Ёшлар ўрганган, инфратузилма борган жойларни танлаш керак. Маҳалла идорасини ҳам шу ерга жойлаштириш мумкин. Шунда бу жойлар маданият ва маърифат ўчоғи бўлади. Бу марказларда миллий ўзлимиз намоён бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, 2025 йилда Тошкент шаҳрида Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган. Бу нуфузли мусобақа учун пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси қурилиши лойиҳалаштирилган.

Лойиҳага кўра, шаҳарча марказида олимпия стадиони, унинг икки ёнида ёпиқ спорт мажмуалари, сув спорти саройи, машғул майдончалари, эшак эшиш ҳавзаси барпо этилади. Маъмурий бино, ётоқхона, музей ва ҳўжалик объекллари ҳам қурилади.

Тақдимотда Олимпия шаҳарчаси объекллари қийматини оптималлаштириш чоралари

ҳақида маълумот берилди. Мутахассислар билан муҳокама асосида, мазкур шаҳарча лойиҳаси тасдиқланди. Уни сифатли қилиб қуриш зарурлиги таъкидланди.

— Бу мажмуа халқимизга, ёшларимизга мулк бўлиб қолади. Шунинг учун биринчи ўринда сифат, — деди Президентимиз.

Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасини ривожлантириш, жумладан, ерусти метроси остидаги бўш ер майдонларида янги хизмат кўрсатиш ва савдо нуқталарини ташкил этишга қаратилган лойиҳалар кўриб чиқилди.

Тақдимотда Самарқанд туризм марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Барча бунёдкорлик ишларини умумий бир жиҳат — иш ўринлари ташкил этиш мақсади билан қилиш зарур. Чунки бу ишновларни қуриш ҳамда кейинчалик ишлатиш жараёнида минглаб ватандошларимиз иш билан таъминланади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ва мувофиқ, ташқи савдони тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини янада кучайтириш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) 2023 йил 1 апрелга қадар: маҳаллий корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га Европа Иттифоқи давлатларида юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилишда ташқи савдо тартибга солиш мақсадида 70 фоизга миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади; кўшни давлатларга экспорт қилинган юқори қўшилган қийматга

эга маҳсулотларни экспорт қилишда ташқи савдо тартибга солиш мақсадида миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

б) мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро ILAC/IAF ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қўллаб берилади;

в) тадбиркорлик субъектлари томонидан товарлар (маҳсул турдаги товарлардан ташқари), ишлар ва хизматлар экспортини шартнома тузмасдан ҳисобварақ-фактуралар (инвойслар) асосида амалга оширишда талаб этиладиган олдидан тўлов миқдори 100 фоиздан 50 фоизга камайтирилади.

2. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш мақсадида бўйича Хукумат комиссияси (С.Умурзаков) (кейинги ўринларда — Хукумат комиссияси):

▶ Давоми 2-бетда

### ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

## СУД БИНОСИГА КЕЛГАН ҲАР БИР ИНСОН АДОЛАТ БОРЛИГИГА ИШОНИШИ КЕРАК

Серкўёш она заминимиздан етишиб чиққан ва дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган кўпглаб олим уламолар, фозилу фузалолар, сиёсатчи ва давлат арбоблари бутун умри давомида адолат учун курашган ва уни ҳимоя қилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарига “Эл учун икки нарсга мустаҳкам таянч бўлиб, унинг бири хўшёрлик, иккинчиси адолат”, дея таъкидланган бўлса, Алишер Навоий ўзининг “Хамса”, “Маҳбуб ул-қулб” ва бошқа асарларида адолат ва адолатсизлик ўртасидаги жиддий кураш сабаблари ва оқибатларини таҳлил этиб, адолатсизликка қарши чексиз нафратини баён этади. Жамиятда юзага келадиган адолатсизликлар кўпича амалдорларнинг фаолияти билан боғлиқлигини, халқ ҳамма вақт адолат тарафдори

бўлиб келганини, адолатсизликнинг марказида эса, мансабдор шахсларнинг шариат тартиб-қоидаларини билмаслиги ёки уларга риюа этмаслиги туришини айтиди. Хусусан, мансабпарастлик илллати барча адолатсизликларнинг бош омили эканини кўрсатиб, “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун “адл қасри”, яъни “адолат кўргонини бунёд эт”, дея таъкидлаб, бутун умри давомида ва барча асарларида адолатга даъват қилган.

▶ Давоми 2-бетда

### УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНА СИДА

## ДАВЛАТ ИСТИНОДИ

### маърифий уйғониш саодати билан қудратли кучга айланади

Юнон олими Аристотель “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деганида ҳақ эди. Бу фикрни тарих саҳифалари доим исботлаб келган. Бизнинг заминдан кўр олган Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳосиласи ҳам тарбия ва таълим уйғунлигида етилгани тора равшанлашиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг узок йиллар “мудроқ таълим исканжаси”да яшаб келган устоз ва мураббийлар, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қарата бошлагани, уйғоқ фикрни тарбиялаш йўлидаги жонқуялиги кўз олдимизга келади. Шунингдек, Ўзбекистонда илк бор “Инсон капитали” тушунчаси пайдо бўлди.

Орадан кўп ўтмади — бутун биз давлатимиз истинодида Учинчи Ренессанс ҳодисасига асос солиш йўлидамыз.

▶ Давоми 3-бетда



## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Бўйича УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

**МАКТАБ ўҚИТУВЧИЛАРИНИ ЯНГИ МЕТОДИКА АСОСИДА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ Бўйича УМУМИЛЛИЙ ЛОЙИҲА БОШЛАНДИ.**

Ушбу янги тизим доирасида келгуси 3-4 йилда мактаблардаги барча синф ўқитувчилари янги методика асосида ўқитилади.

### БУНИНГ УЧУН:

1 июнга қадар ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизда Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий таълим марказлари ташкил этилади;



Ушбу марказларга математика, физика, кимё, биология, IT каби аниқ ва табиий фанлар бўйича хориждан энг малакали мутахассислар жалб қилинади;

Хорижий мутахассислар ёрдамида олиёғоҳ, Миллий таълим марказлари ва мобил гуруҳларнинг муаллимларидан иборат ҳар бир вилоят қилиб “тренерлар гуруҳлари” шакллантирилади;

Мазкур тренерлар жойларда мактаб ўқитувчиларнинг бевосита малакасини ошириб боради ҳамда уларнинг ойлик иш ҳақиға 100 фоизга устамалар тўланади.

**20 %** мактабларда ил якунига қадар ҳар бир туман ва шаҳарда илгор методикалар жорий этилади.

**100 миллион доллар** юқоридаги янги тизимларни жорий қилиш учун қўшимча маблағ йўналтирилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб кичик мактабларда интернет тезлиги секундида **40 Мегабит**, катта мактабларда эса **камида 100 Мегабитга** етказилади.

**БИР ОЙ МУДДАТДА МАКТАБЛАРДА МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ Бўйича МУТЛАҚ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ.**

### БУНДАН ТАШҚАРИ:



Мактабларда илгор тадбиркорлар, кластер ва саноат корхоналари раҳбарлари, машҳур спортчи ва санъаткорлар билан доимий учрашувлар ташкил қилинади;



Туман, шаҳар ҳокимлари маҳалла раислари томонидан намунали ўқувчининг ота-онасига “миннатдорчилик хати” ва совғалар топшириб бориш тизими йўлга қўйилади;



Ҳар чоракда энг намунали ота-оналар рағбатлантирилиб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.

Шу билан бирга, 1 августга қадар

**960**

та мактаб компьютер синфи билан таъминланади.

**740**

тасида жиҳозлаш ишлари якунига етказилади.

Умуман, 5,5 мингта компьютер синфларини янгилаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Бунга йўналтирилган маблағ:

**200** миллиард сўм республика бюджетидан

**200** миллиард сўм маҳаллий бюджетлардан.

### МУНОСАБАТ

## ЗУРРИЁДЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Бугунги глобал шароитда таълимни рационал ташкил этиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда шиддат билан давом этаётган тўртинчи саноат инкилоби илгор таълим технологияларини яратиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ жараёнларда жиддий ўзгаришлар талаб қилмоқда.

Шу ўринда адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш, маънавий тараққиётни таъминлаш, соҳани тубдан ислох этиш ва янги босқичга олиб чиқиш, умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш таълим соҳасидаги истиқбол мақсадларга интеллектуал салоҳиятни сафарбар қилишга замин яратади.

Куни кеча Президентимиз хузурида халқ таълими соҳасида амалга

оширилаётган ислохотлар натижадорлигига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Видеосессияда давлатимиз раҳбари қатор вазишаларни белгилаб берди. Жумладан, Тошкент давлат педагогика университетини Халқ таълими вазирлиги таркибига ўтказиш, мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича республикадаги таянч муассасага айлантириш зарурлигини қайд этди.

▶ Давоми 5-бетда

Жойлардаги 193 та таълим муассасалари негизда табиий ва аниқ фанларга ихтисослашган мактаблар ташкил этилади.

**173 та мактаб** янги ўқув йилига қадар

**20 та мактаб** кейинги ўқув йилига қадар.

**1 августга қадар** ушбу мактабларни таъмирлаш, замонавий ўқув куроллари, IT, мебель ва ўқув-лабораториялар билан жиҳозлаш, яшаш ва овқатланиш учун шароитлар яратилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ Қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Икки ҳафта мuddатда экспорт қилишда ташиш харажатларини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиладиган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рўйхатини тасдиқласин ва унинг Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлашнинг ягона порталида (www.exportportal.uz) эълон қилиб борилишини таъминласин;

Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

3. Молия вазирлиги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг буюртманомаларига биноан мазкур Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш учун зарур маблағларни республика бюджетидан ажратиб бурсин.

4. Ҳукумат комиссиясига маҳаллий экспортчи корхоналарнинг мурожаатларига асосан экспортголиди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитларни қайтариш мuddатини яна олти ойгача узайтириш ваколати берилсин.

Бунда, ушбу кредитларни қайтариш мuddатининг ўзгартирилиши Марказий банк томонидан кредит шартлари қайта қўриб чиқилган активлар сифатида ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилсин.

5. "Божхона омбори" режимида олти ойдан кўп бўлган товарларнинг божхона расмийлаштиришида божхона тўловлари буйича имтиёзлари

қўллашнинг таққидовчи тартиб бекор қилинсин.

6. Ёшлар тадбиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, инновацион технологияларга асосланган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан уларга 500 минг АҚШ долларигача кредитлар ажратилиши рухсат берилсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2023 йил 1 январга қадар Ҳукумат комиссияси хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо операцияларини тартибга солишнинг вақтинчалик механизмларини жорий қилиш ваколати берилсин.

Бунда, тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, шунингдек, импорт шартномалари қийматларини сунъий равишда ошириш, ички бозорга сифатсиз маҳсулотлар кириб келиши ва контрабанда ҳолатларининг олдини олиш чоралари назарда тутилсин.

8. "Ўзтрейд" ва "Ўзсаноатэкспорт" акциядорлик жамиятларига ташқи савдо компанияларини айланама маблағлар билан таъминлаш мақсадида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 10 миллион АҚШ доллар маблағ ажратилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо

вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги "Ўзтрейд" ва "Ўзсаноатэкспорт" акциядорлик жамиятларининг устав капиталларидаги (жамғармаларидаги) давлат акциялари (улушлари) пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқини амалга оширади.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ҳафта мuddатда Экспортни рағбатлантириш агентлигига "Ўзтрейд" ва "Ўзсаноатэкспорт" акциядорлик жамиятларининг устав капиталларидаги (жамғармаларидаги) давлат акциялари (улушлари) ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармон ижросини самарали ташқи қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б.Войтов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 6 апрель

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ СУД БИНОСИГА КЕЛГАН ҲАР БИР ИНСОН АДОЛАТ БОРЛИГИГА ИШОНИШИ КЕРАК



Убайдулла МИНГБОВ, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси, Республикада ҳизмат кўрсатган юрист

Бошланиши 1-бетда

Буюк саркарда Соҳибқирон Амир Тему́р бобомиз ҳам ўзининг тенгсиз адолатли, ҳақиқатпарварлиги билан замондошлари орасида шухрат қозонган бўлиб, унинг адолатли ишлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаъларда кўпга учрайди. Жумладан, давлат муҳрида ёзилган "Рости — русти" ("Куч — адолатда") шiori бўлгани у барпо этган салтанатнинг асосий таянчи адолат эканини кўрсатиб турибди. Айниқса, Абдулла Авлоний "Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таълиси, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлиқдир", деб ёзганда қанчалар ҳақ гални айтган эди. Адолатпарвар бобомизнинг ушбу фикри, айни шу кунларда мамлакатимизда ўз тасдиғини топиб бормоқда, десак ҳеч ҳам муволаға бўлмайди.

Буюк аждодларимизнинг адолат тўғрисидаги гоёларига содиқ қолган халқимиз эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Алоҳида таъқидлаш жоизки, Президентимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини қучайтиришга қаратилган давлат сиёсати янги босқичга кўтарилди.

Дунё таъриби шундан далолат берадики, тараққиётнинг юқори чўққиси томон тобора илдамлаб бораётган демократик давлатларда суд-ҳуқуқ тизими шахс, жамият ва давлат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бинобарин, суднинг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан иборат, одил судлов орқали жамиятда адолат ва қонун устуворлиги таъминланади. Шу боис, ҳолис, адолатли ва қонуний қарорлар қабул қиладиган суд тизимини ҳамда судьялар корпусини қарор топтиради Ҳар бир давлатнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўтган ўттиз йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар тизимли равишда йўлга қўйилди. Қувонарлики, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлардан пировард мақсад, юртдошларимизнинг судга бўлган ишончини орттиришга қаратилган. Айниқса, судьялар мустақиллиги, дахлсизлиги ва улар фаолиятига аралашшга йўл қўйилмаслигининг давлат томонидан қамолатланиши, яъни судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминот даражаси юқори экани одил судловга эришишнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилмоқда. Албатта, бундай эътибор судьяда ўз касбига бўлган масъулият ошиши, ҳалол ва пок ишлаши, адолатли қарорлар қабул қилиши учун замин яратиши шубҳасиз. Натижада фуқароларнинг судларга бўлган

ишончи қундан-қунга ошиб, бу халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Шу ўринда, сўнгги йилларда "Қонун устуворлиги" индексидан урта индикатор бўйича тўпланган баллар сезиларли даражада ошиб бораётганини мамнуният билан таъқидлаш лозим.

Жорий йил 28 январь куни Президентимиз фармони билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Мазкур ҳужжат "Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойили асосида ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган ҳолда қабул қилинди.

Стратегия кейинги беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятли. Унинг иккинчи йўналиши "Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш", деб белгиланган. Ушбу йўналишдаги 15-мақсадда "Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш" масаласининг қўйилиши, биринчидан, мансабдор шахснинг зиммасига фақат қонун доирасида фаолият юритиш шартлиги талабини юқласа, иккинчидан, ижтимоий адолат суд органи орқали таъминланишини кўрсатади. Бу эса,

батлари ўтказиб борилади. Судьялар билан ўтказилмаган машғулотлар "Устоз ва шогирд" ва "Уч авлод учрашуви" шаклида ташкил этилиб, ўша ҳудудда истиқомат қилаётган соҳанинг фаол фахрийлари мазкур машғулотларинг жалб этилади. Учрашуларда суд соҳасида учраётган камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш, муомала маданияти, одобахлок, тартиб-интизом масалалари, маданий-маърифий ишлар муҳокама қилинади.

Бугунги кунда адолат ва қонун устуворлиги тамойиллари мамлакатимиз тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айланмоғи лозим. Бинобарин, адолат тамойили ўз муқошига кўра, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий барқарорлиқни таъминлашдан иборат.

Айтмоқчиманки, судьялар яқуний қарорни чиқаришда мутлақо адолатли бўлиши лозим, ана шундагина халқнинг давлатга бўлган ишончи ортади ва жамият ривожланади. Ваҳоланки, инсон қадрини юксалтириш мақсадида қонунлар ўз ўрнида тўғри қўлланилар экан, суднинг мустақиллиги ҳам мустақамланиб бораверади.

Судьяларнинг қонун доирасидаги мутлақ эркинлиги Конституцияда

ДИЛ ИЗҲОРИ



ОЛИМПИЯ ҲИМНАЛАРИДА ХАМ ҲОЛИБ БЎЛМОҚЧИМАН

Зухриддин ҚОДИРОВ, қиличбозлик бўйича жаҳон чемпиони

Бундан 7 йил аввал Тошкент шаҳрида қиличбозлик бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатини кузатиб, кўнглимда ушбу спортга ўзгача меҳр уйғонган. Дунёнинг энг кучли қиличбозлари беллашувини кўришнинг ўзи менга катта завқ берган.

Шундан сўнг қиличбозлик залига бориб, мунтазам шуғуллана бошладим. Кунлар ўтгани сари ҳеч бир спорт турига ўхшамаган қиличбозликнинг шижоати ва ўзгача жозибаси мени оҳанрабодек тортиб бораверди. Айниқса, сабияга меҳрим кўпроқ тўшди ва ўз йўналишида муқим шуғуллана бошладим.

Сўнгги йилларда барча спорт турлари қатори қиличбозликка ҳам алоҳида эътибор қаратилётгани кучимизга куч қўшмоқда. Ёш спортчилар учун дунёнинг энг кучли мураббийлари олиб келингани бизга руҳий қувват, мадад ва катта мотивация берди. Орадан йиллар ўтиб ёш болалар, кейин ўсмирлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилдим.

Жаҳоннинг энг моҳир қиличбози, уч карра Олимпиада ва ўн карра жаҳон чемпиони Владимир Назлимов терма жамоамизда мураббийлик қилар экан, келажакда мен ҳам устозим каби

янада юксак марраларни забт этишимга ишонаман.

БААда ўтган жаҳон чемпионатидаги ғалабам эса, шунчаки дилимдаги ҳолис ниятим, хаёлимдаги орзу эмас, балки худдалашим мумкин бўлган вазифа эканини яна бир бор англади. Мазкур мусобақада қиличбозлик спортни тараққий этган Канада, Миср, Венгрия, АҚШ ва германиялик кучли рақибларимни мағлубиятга учратишга муваффақ бўлдим. Аслида ғалабам биз ёшларга спорт билан шуғулланишимиз учун яратиб берилаётган шароитлар самараси.

Шу ўринда тенгдошларимга ўзлари истаган спорт тури билан мунтазам, астойдил шуғулланишни, келажакда ишонч билан қарашни ва ўз олдига қўйган мақсадлари сари дадил боришни тавсия қиламан. Зеро, юртимизда биз ёшлар учун бу борада барча шароитлар тўқис яратиб берилган. Модомики шундай экан, бундан мақсадли фойдаланишимиз, ўз иқтисдо-

римиз, кучимиз, билим ва изланишларимиз билан жавоб беришимиз шарт!

Мусобақадан кейин Ўзбекистонга қайтиб келганимизда бизни дастлаб Тошкент халқаро аэропортида, сўнг Миллий Олимпия қўмитасида катта тантана билан байрамонга қаифиятда кутиб олишди. Айниқса, Президентимиз "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлагани, спортни ривожлантириш вазирининг ушбу фармонни ўқиб эшиттираётганидаги ҳаяжонли лаҳзалар ҳаётимнинг энг кувончли, ифтихорли дамлари бўлди. Уша дақиқаларда онажонимнинг кўзларидан оқаётган қувонч ёшларини кўриб, чемпионлик йўлидаги барча машаққат ва заҳматларни унутгандек бўлдим. Фарзанд учун бундан ортиқ яна қандай бахт бору?!

Биламан, биринчи бўлиш доимо шарафли, шу билан бирга, катта масъулият ҳим бора. Буни яхши тушуниб турибман. Шунинг учун келгусида Олимпия ўйинларида ҳам ғалаба қозониб, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган ҳолда юртимиз шаънини улуғлашнинг мақсад қилганман! Ота-онамни, халқимизни, Президентимизни янада бахтиёр кўриш учун астойдил ҳаракат қиламан ва голиб бўламан.



Судьялар яқуний қарорни чиқаришда мутлақо адолатли бўлиши лозим, ана шундагина халқнинг давлатга бўлган ишончи ортади ва жамият ривожланади. Ваҳоланки, инсон қадрини юксалтириш мақсадида қонунлар ўз ўрнида тўғри қўлланилар экан, суднинг мустақиллиги ҳам мустақамланиб бораверади.

ўз навбатида, судьяларимизда вазифаларини адолатли амалга ошириш масъулиятини қучайтиради. Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси судьялар фаолиятига татбиқ этиш бўйича ўзининг алоҳида дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастурга кўра, бизнинг асосий эътиборимиз доимий равишда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган ислохотларни изчил амалга ошириб бориш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда қўриш сифатини яхшилаш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш каби долзарб масалаларга қаратиб борилади. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан судьялар учун дастуруламал сифатида белгилаб берилган вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Олий суди билан доимий ҳамкорлик асосида изчил амалга ошириб бориш фаолиятимиз асосини ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда филиал раислари, вилоят ва унга тенглаштирилган суд раислари масъул этиб белгиланган. Унга кўра, Ёшлар ишлари агентлигининг жойлардаги вакиллари, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳудудий бўлиmlлари, "Адолат" СДПнинг ҳудудий кенгашлари вакиллари таклиф қилиниб, бевосита судьялар, айниқса, ёш судьялар ва судьяликка номзодлар билан учрашувлар ва давра суҳ-

мустақамлаб қўйилган "судьяларнинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди", деган принцип билан қафолатланади. Пировардда, муайян ишни кўраётган судьянинг қонунга асосланган ҳолда, ҳиссиётларга берилмасдан, ишни беғараз ва ҳолисона ҳал этишининг гувоҳи бўлган фуқаро суд идорасини шубҳа ва гумонларсиз тарк этади.

Ўзимнинг кўп йиллик ҳаёти ва ярим асрдан ортиқ суд соҳасидаги иш таърибидан келиб чиқиб айтганда, ён-атрофимизда адолатга раҳна солишни истовчи, яъни суднинг ҳукмини ёки қарорини ўзининг тубан мақсадлари йўлида тамомила бошқача қилиб ўзгартиришга уриниб кўрувчилар, афсуски, учраб туради. Бундай қимсалар судьяни ўзининг кингир йўлига бошлаб кўришга астойдил ҳаракат қиладди. Лекин адолатпарвар судья ўзига билдирилган ишончнинг ҳеч қачон суиистеъмоли қилмаслиги керак. У ҳар қандай вазиятда ва шароитда ҳам адолат томонида туришга қодир бўлиши шарт. Ҳар бир судья онгда адолат, тилида ҳақиқат, дилида эса поклик билан ўзига билдирилган юксак ишончни оқлаш учун сидқидилдан меҳнат қилиши зарур.

Бугунги кунда судьялардан, суд органларидан давлатимиз раҳбарининг талаби битта: "Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлиғига ишониб чиқиб кетиши керак". Шундагина судьяларимиз фаолиятининг асосий тамойили ҳисобланган адолат қарор топган бўлади.

Учинчи Ренессанс Остонасида

# ДАВЛАТ ИСТИНОДИ

## маърифий уйғониш саодати билан қудратли кучга айланади



**Оқил САЛИМОВ, Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси раиси, академик**

Бошланиши 1-бетда

### "Янги Ўзбекистон мўъжизаси"

Куни кеча давлатимиз раҳбари халқ таълими соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган навбатдаги йўналишни ўтказди. Бугун мен, узоқ йиллик ҳаётий таърибим ва илм-фан йўлидаги заҳматли йўллар гувоҳи сифатида, шу йўналишни, унда Президентимиз билдирган фикрлар, ташаббуслар ва вазибаларни тарихий эврилиш, дея баҳоладим.

Нега дейсизми? Рамзий маънодаги мўъжиза ўз-ўзидан содир бўлмайдми. У содир этилади. Шу маънода, Ўзбекистонда "тафаккур дастурлари" иш бошлагани ҳар биримизнинг, айниқса, келажак авлодларимизнинг толеи баланд бўлишидан гувоҳлик беради.

Энди "Янги Ўзбекистон мўъжизаси" ҳақида айтиладиган бўлса, аввало, Президентимизнинг мана бу гапи қайта-қайта тилимизга кўчади: **"Янги Ўзбекистон — барчамизнинг эзгу орзумиз, меҳнатқаш, тинчликсевар халқимизнинг орзуси!"**

Таҳликали замонда яшаймиз. Дунё кўздаги ёш қаби қалқиб турибди. Яқин-йироқ мамлакатларда оналар фарзанди очликдан ўлмасин учун азиз жонини сотмоқда, оталар болаларига бир бурда емак топиш илинжида ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урмоқда, уларнинг кўксига зардоб қайнапти. Лекин одам авлодларининг яхши ҳаёт йўлидаги орзуи сўнгани йўқ, сўнмасин ҳам!

**Янги Ўзбекистон ва биз эса тараққиёт йўлида собитмиз. Бугунги кунда бизнинг ўз танлаган йўлимиз бор ва у, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ортага қайтмас тус олган. Бу йўлда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳаётбахш хусусият касб этмоқда.**

**Беҳизга бу мулоҳазаларга бормадик. Тараққиётга эришиш ва яхши яшашга йўл очиш ҳам буюк санъат. Шундай экан, биз эришаётган барча натижалар замирида билим, илм-фан, капитални тўғри йўналтириш санъати буй кўрсатмоқда.**

Бахт белгиси — билим, деймиз. Кеча Президентимиз **"Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини — зурриёдини ишониб берапти. Бу жуда катта масъулият. Шунинг ҳис**

қилиб, ўзимизни қийнаб, мактабни ислоҳ қилсак, келажакка замин яратамиз", деди.

Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдикми? Айтишга осон, **"зурриёдини ишониб берапти"**, **"муносиб ҳаракат қилсак"**, **"ўзимизни қийнаб, мактабни ислоҳ қилсак"**, деган жумлалар ортда яширин буюк дард ва қалб тўрида яшнаётган орзулар мужжасам. **Ана шу қудратли истак жамиятимизга сапчиб, "Янги Ўзбекистон орзуси" номини олади.** Бу ҳаммамизга муборак бўлсин!

### Мирзо Улуғбек ворислари

Халқимиз орасида "Гўзаллик илму маърифатда", деган ҳикмат юради. Янги Ўзбекистондаги катта ислохотлар бош асоси ҳам шу мақсад учун қурилгани кейинги йилларда тобора ойдинлашиб бормоқда.

Бу нималарда ўз аксини топади? Аввало, ёшлар сиёсатида. Жумладан, мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Юртимизда таълим, илм-фаннинг барча соҳаларига эътибор ва замонавий ислохотлар, ёшларнинг билими, иқтидорини ривожлантириш мақсадида мухтаю янги шакл ва мазмунда барпо этилган Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими, барча вилоятларда яратилаётган Ёшлар технопарклари ва бизнес-акселераторлари, ёшлар учун ташкил этилаётган турли танловларни бунинг исботи, дея оламиз.

Яқинда эълон қилинган ва юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган **"Мирзо Улуғбек ворислари"** танлови ҳам ана шу ислохотлар доирасида ташкил қилинмоқда.

Ушбу танлов мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, уларни илмий-техник фаолиятга кенг жалб қилиш, иқтидорли ёшларнинг, жумладан, олис ҳудудларда истиқомат қилаётган йигит-қизларнинг билим, кўникама ва малакасини ошириш, инновацион гоёлларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашишга қаратилган. Мазкур эзгу ниятни амалга оширишда ҳозирда Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси, Инновацион ривожланиш вазирилги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирилги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Замон шиддат билан ривожланмоқда — давлатимиз томонидан инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизнинг барча ҳудудларида билимга чанқоқ, қобилиятли ёшлар сони ортиб борапти. Ёшларнинг ҳали очилмаган иқтидорларини намоеън этиш, билимини ошириш, олган билимларини ҳаётга татбиқ этиш ва янгилик яратиш салоҳиятини "уйғотиш" билан жамиятимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини янги сифат даражасига кўтариш давлат сиёсатининг, шу жумладан, эълон қилинган танловнинг ҳам асосий мақсадидир.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон ёшларининг замонавий билимларни ўрганиши учун шижоати ҳам, матонати ҳам етарли. Ўз ўрнида ҳар бир ёш ўзи туғилиб-ўсган муҳит маданиятидан, урф-одатларидан ва ўзига хос хусусиятларидан тўла хабардор. Бошқача айтганда, ёшларни очилмаган бир қўриқ ёки эндигина гул очган бир боғ десак ҳам бўлади. Танловдан мақсад — ана шу навхўл ёшларимиздаги иқтидорни аниқлаб, унга тўғри йўналиш бериш, яратувчанликка ва бунёдкорликларга рағбатлантириш, бошқа ёшларга ўрналган ва ибрат қилиб кўрсатишдан иборат.

**"Мирзо Улуғбек ворислари" танлови 2022 йилдан бошлаб ҳар йили февраль-май ойларида республика бўйлаб 3 босқичда ўтказилади ҳамда унда 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси ёшлари иштирок этиши мумкин.**

Бугунги кунга қадар танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сони 24 мингга яқинлашди. Лекин бу менинг назаримда, жуда кам. Ушбу танлов жиддий ва улуғвор вазибаларни

мақсад қилиб олиш билан бирга, мамлакатнинг энг чекка ҳудудларидаги олис қишлоқлар ёшларига, ихтисослаштирилган турли-туман ўқув муассасаларидан то, айтилик, ҳарбий мактабларда тахсил олаётган ёшларга ҳам қамраб олиниши кўзда тутилган.

Ушбу танлов илм йўналишида бўлгани учун ҳам, унинг ўзига хос жиҳатлари бор. Мисол учун, танловда иштирок этишни хоҳлаган ёшлар алоҳида IQ тест, яъни интеллектуал сифат тести топширади. Бу билан талабгорнинг ақлий ва мантикий фикр юритиш даражаси аниқлаб олинади ва танловда ҳақиқатан ҳам юксак салоҳиятга эга ёшлар иштирок этиши таъминланади. IQ тестида 110 баллдан ошиқ натижа кўрсатганлар танловнинг биринчи босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

**"Мирзо Улуғбек ворислари" танловининг 1-босқичи февраль-март ойларида туман (шаҳар)ларда ўтказилди ва унда энг юқори натижага эришган 5 нафардан номзод танлаб олинди, 2-босқичга йўлланма олди.**


Жорий йилнинг 1 февраль куни танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилди ҳамда унда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар рўйхатдан ўтиши учун **www.vorislar.uz** платформаси ҳамда **@vorislar\_tanlovi\_bot** телеграм боти ишга туширилди. Иштирокчилар мазкур платформалар орқали жорий йилнинг **28 февралига қадар** рўйхатдан ўтди.

Мазкур платформалар орқали талабгорлар танлов тўғрисида қўшимча маълумотларни олиши, ўз инновацион лойиҳаларини Инновацион ривожланиш вазирилгига юбориши ҳамда танловда иштирок этиш учун IQ тести топшириши мумкин.

Иштирокчилар ўз интеллектуал салоҳиятини синаб кўриш учун жорий йилнинг **1 мартдан 4 мартга қадар** IQ тестдан ўтди.

Шунга қўра, танловнинг туман ва шаҳарлар бўйича биринчи босқичи **4 мартдан** бошланади.

Рақамларга юзланадиган бўлса, шу йилда илк мартаба ўтказилаётган ушбу танловга ёшларимизнинг қизиқиши даражасини кўриш мумкин:



Танлов ташкилотчилари мамлакатимизнинг барча туманларидаги ёшлар орасида танлов тўғрисида кенг тарғибот ишларини доимий олиб боради. Барча туман ва шаҳарларда танлов иштирокчиларини баҳолаш комиссиялари тузилиб, танловни ўтказиш дастури ва графиклари ишлаб чиқилган.

Танловга қизиқиш билдирган ёшларга қулайлик яратиш мақсадида ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқилиб, ташкилотчилар томонидан тарғибот учрашуварларида ёшларга тарқатилди.

Танловнинг шаффоф ҳама адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида иштирокчиларнинг IQ тест ҳамда инновацион лойиҳаларини топшириш жараёнлари **www.vorislar.uz** махсус платформаси орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Танловнинг **2-босқичи** апрель ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар бирдан энг юқори натижага эришган **20 нафар** ёш навбатдаги босқичга йўлланма олади.

Танловнинг **3-босқичи** май ойида бўлиб ўтади. Унда энг юқори натижага эришган **100 нафар** ёш танловнинг республика босқичи ғолиби, деб топилди ва қимматбаҳо совғаларга эга бўлиш билан биргаликда, жамғарма томонидан ташкил этиладиган мақсадли ўқув курсларида **бепул** тахсил олади. Ўқишни муваффақиятли تامомлаган ёшлар мунтазам равишда қўллаб-қувватланади ҳамда ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш ташкилотлари ва тadbirkorлик субъектларига ихтиёрийлик асосида бириктирилади, **"Ёшлар академияси"** ва **"Келажак лидерлари клуби"**га жалб этилади.



**"ТАҲЛИКАЛИ ЗАМОНДА ЯШАЯПМИЗ. ДУНЁ КЎЗДАГИ ЁШ КАБИ ҚАЛҚИБ ТУРИБДИ. ЯҚИН-ЙИРОҚ МАМЛАКАТЛАРДА ОНАЛАР ФАРЗАНДИ ОЧЛИҚДАН ЎЛМАСИН УЧУН АЗИЗ ЖОНИНИ СОТМОҚДА, ОТАЛАР БОЛАЛАРИГА БИР БУРДА ЕМАК ТОПИШ ИЛИНЖИДА ЎЗИНИ ЎТГА ҚАМ, ЧЎҚҚА ҚАМ УРМОҚДА, УЛАРНИНГ КЎКСИДА ЗАРДОБ ҚАЙНАЯПТИ. ЛЕКИН ОДАМ АВЛОДЛАРИНИНГ ЯХШИ ҲАЁТ ЙЎЛИДАГИ ОРЗУСИ СЎНГНИ ИЙЎҚ, СЎНМАСИН ҚАМ!"**

кутубхонасида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Айни шу ўринда Биринчи Шарқ Ренессансининг бошланғич нуқталарини, яъни заковат куртагининг униб, япроқ ёзганини кўриш мумкин. Бундай мисол келтиришимизнинг сабаби: эндиликда жовожон Ватанингиз, она-юртингиз сининг заковатингизга кўз тикиб, ҳомийлик қанотини кенг ёймоқда.

**Илк Ренессанс давридаги ижтимоий-сиёсий вазият билан бугунги имкониятларни солиштириб бўлмайди, албатта. Шу билан бирга, "Дорул-ҳикма вал-маориф", яъни "Ҳикмат ва маърифат уйи"нинг аҳамияти катта бўлганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугун ана шундай ҳикмат ва билим уйи — Янги Ўзбекистонимиздир. Мамлакат раҳбари шу сабабдан ҳам "Бугун ҳеч бир соҳа йўқки, ёшлар муваффақиятга эришаётган бўлса. Ёшларнинг йўлини очиб берсак, уларга елкадош бўлсак, янада улкан натижаларга эришамиз. Менинг энг катта ишонган кучим, давлатимизнинг энг катта бойлиги — бу ёшлар", деб таъкидлади.**

Шу боисдан, ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғвор мақсад вазифа қилиб қўйилган экан, бугунимизнинг Хоразмийлари, Берунийлари ва Мирзо Улуғбекларини бу улкан жараёнда иштирок этишга чорлаб қоламан. Шундай дегуде, қутилмаганда ана бир шухаббарга кўзимиз тўши: Мирзо Улуғбек номидида Ўзбекистон Миллий университети QS by Subject Rankings да математика соҳасида эришган натижаларига қўра, дунёнинг кучли 500 талик университетлар қаторидан 451-500 ўринни эгаллабди. Бу ҳам маърифий уйғониш саодатининг навбатдаги ифодасидир.

Дарвоқе, **маърифий уйғониш саодати** ҳақида. Имом Бухорий бобомиз келтирган ҳадисда айтилганидек, **"Барча амаллар ниятга қараб бўлади"**. Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида яхши ниятлар билан катта марраларни белгилаб олганмиз. Унинг ҳидада эса маърифий уйғониш саодатига эришиш мақсади турибди. Бу инсон капиталини ривожлантириш орқали содир бўладиган ҳодиса. Шу боис, эътибор берсак, инсон капиталини ривожлантириш келгуси беш йиллик стратегияимизнинг асосий мақсадига айланган.

Энг муҳими, бу йўлда биз танлаган йўл яхлит маънавий асос ва бош мезонга айланб улгурди. Мулоҳазаларимизни Президентимизнинг **"Янги Ўзбекистон стратегияси"** китобида келтирган қўйидаги гапи билан мухтасар қилсак: **Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизлик!**





НУҚТАИ НАЗАР

ХАЛҚ КЕЛАЖАГИ ЁШЛАРНИНГ МАЪРИФАТИГА БОҒЛИҚ

Кун кеча Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор мажлиси мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири — инсон капиталини ривожлантириш, аниқроғи, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар таҳлилига бағишланди.



Эркин ЗОХИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Шу боис, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим соҳасини тўздан такомиллаштириш, билим бериш сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятти, жисмоний баркамол авлодни камолга етказиш, аниқ фанларни чўқурлаштириб ўқитиш ва иқтисодийнинг турли соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган эди.

Ўтган даврда таълим тизими мутасаддилари юртимизнинг барча ҳудудида бўлиб, соҳа бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, ўғил-қизларнинг сифатли таълим олиб, ватанпарвар, комил инсон сифатида тарбияланиши учун яратилган шарт-шароитлар, бажарилаётган ишларни аниқ рақамлар асосида ўрғанди.

Сўнги пайтларда ўқувчиларга берилаётган таълим сифати, ўқитувчиларнинг салоҳияти ва олийгоҳларга кириш кўрсаткичи бўйича баъзи ҳудудларда ижобий ўзгариш яққол сезилляпти. Бироқ шундай бўлса-да, бугун ҳам мамлакатимиздаги 852 та мактаб мазкур кўрсаткичлар бўйича ортда қолмоқда.

Умумтаълим мактабларида ўтган ўн йилликлардан мерос бўлиб қолган муаммо — ўқув ўринлари етишмаслиги туфайли дарслар бир неча сменада олиб бориляпти. Бу ҳолатни қандам-бақадам қисқартириш бўйича ҳудудларда қилинаётган ишлар юзасидан ҳоқимлар берган маълумот муаммо тез ва буткул ҳал этилишига кишини ишонтиради.

Ийгиликда бу масала, айниқса, аҳоли зич яшайдиган ёки марказдан олиқ ҳудудларда бар-тароф этилиши зарурлиги адолат нуқтаи назари-дан ҳам, жойлардаги ноёб иқтидорли ёшларни рўёбга чиқариш жиҳатидан ҳам муҳимлиги тушунтирилади. Жумладан, Хоразмдаги иқтидорли ўқувчиларнинг халқаро рейтингларда юқори натижа қайд этиб, қатор хорижий университетлар грантига сазовор бўлгани ҳақида келтирилган мисол ҳар бир юртдошимиз қалбда гурур ва ифтихор уйғотади.

Фарзандларимизнинг бундай чуқур билим ва салоҳиятга эга бўлишида барча вилоятларда замонавий талаблар асосида қурилган ҳамда зарур ўқув жиҳозлари ва техникавий воситалар билан таъминланган Президент мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўрни катта. Галдаги вазифа ушбу мактабларда тўпланган илгор тажриба ва ўқув методикасини мамлакатимиздаги 10 мингдан ортиқ мактабга татбиқ этишдан иборат.

Бундан ташқари, юртимизнинг барча туманларида табиий ва аниқ фанларга ихтисослаштирилган 195 та янги мактаб очилиши иқтидор эгаларига, қаерда яшайдиган қатъи назар, сифатли билим олиш учун тенг имконият тақдими эгадир. Айнан шу эътибор миллий гоёга айланган Учинчи Ренессанснинг мактабдан бошланғича яна бир ишончли далилидир.

Давлатимиз раҳбари янги мактаблар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш давлат олдида турган оғир бўлса-да, аниқ ва тўлиқ бажариладиган вазифалигини, лекин ўқитишнинг янги, замонавий методикасини яратиш ва ўзлаштириш, барча ўқитувчининг бу методикани мукамил билишига эришиш яна бир ўта муҳим, тизим ва ҳудудлар мутасаддилари доимий ўйлаши керак бўлган масала эканини таъкидлади.

Таълим тизимини тўздан ислох қилиб, халқаро миқёсга олиб чиқиш учун бажарилиши зарур бўлган бундай ишларга давлат томонидан 100 миллион доллар қўшимча маблағ мақсадли ажратилиши маълум қилинди.

Замонавий таълим жараёнида ахборот технологияларининг аҳамиятини ҳисобга олиб, мамлакатимиздаги ҳар бир мактабни юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш, 100 МБ/с.гача тезликда ахборот алмашинуви имкониятини яратиш ўқувчиларнинг ахборот технологиялари ва дастурлаштириш асосларини самарали ўрганишига, шунингдек, ўқитувчиларнинг хорижлик ҳамкорлар билан янги педагогик методикаларни амалиётда кенг қўллашга хизмат қилади.

Эътиборлиси, баъзи вилоят ҳоқимлари ташаббуси билан тадбиркорлар, кластер раҳбарлари илгор хорижий тажрибани бевосита қўллаш мақсадида ривожланган мамлакатлар, хусусан, Финляндия ва Корея Республикасидан кўп йиллик педагогик тажрибага эга ўқитувчиларни худудлардаги мактабларда дарс беришга таклиф этиш учун ўз ҳисобидан маблағ ажратмоқда.

Мактабларни янги ускуналар билан жиҳозлашга давлат бюджетидан йўналтириладиган 200 миллиард сўмга қўшимча равишда маҳаллий бюджетлардан яна шунча миқдорда маблағ ажратилгани таълим тизимини ривожлантириш юртимизда умуммиллий вазифага айланганининг ёрқин ифодасидир.

Ийгиликда кўтарилган долзарб масалалардан яна бири шуки, худудлардаги Малака ошириш маркази негизда педагогларни янги методикаларга ўргатуви Миллий таълим маркази ташкил этилади. Уларга аниқ ва табиий фанлар бўйича хорижлик энг малакали мутахассислар жалб қилинади. Энг асосийси, ҳар бир вилоятда тренерлар гуруҳи шакллантирилиб, жойлар-



да мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш билан шуғулланади.

Мажлисида алоҳида урғу берилган яна бир масала маънавий-маърифий тарбия иншларини янада ривожлантиришдир. Ўқувчиларни нафақат салоҳиятли, чуқур билим соҳиби этиб камолга етказиш, балки ватанпарвар, ўз юрти ва тарихини севувчи, комил инсон қилиб тарбиялаш ҳам бирдек муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Бу вазифани самарали бажариш учун ўқитувчилар болалар, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаши зарур.

Бу йўналишда Халқ таълими вазириликнинг барча масъул давлат органлари, мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Зеро, навқирон авлодга чуқур билим бериш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, мустакил фикрига эга, турли ёт ғояларга қарши қураша оладиган, фидойи инсонлар этиб тарбиялаш юртимиздаги ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Қисқа қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар фарзандларимизнинг ҳамма соҳада етуқ, чуқур билим ва тафаккурга эга, салоҳиятли инсонлар бўлиб камолга етишига пухта замин бўлиб хизмат қилади.

Бу имкониятлар Ўзбекистон таълим тизимини ривожланган давлатлардаги ўқитиш андозаларини ҳисобга олиб йўлга қўйиши ва шу аснода юртимиз иқтисодийтини ривожланган мамлакатлар иқтисодийети даражасига кўтаришда мустаккам пойдевор вазифасини ўтайди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимиз мактабга энг катта бойлигини — зурриётини ишониб топшираётган экан, бу бойликни авайлаб-асраш, қийматини янада ошириш учун ўғил-қизларимизга чуқур, замонавий таълим бериш ва ҳар томонлама тарбиялаш умуммиллий вазифа бўлиб қолаверади.

66 ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА УСТУВОР СОҶАГА АЙЛАНДИ. ЖАҲОН БАНКИ АКАДЕМИК ИННОВАЦИЯЛАР ФОНДИНИНГ "ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ АМАЛИЁТИ ВА ОНГОСТИ СОҶАСИГА ДОИР ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ" НОМЛИ ГРАНТ ДИРАСИДА ПСИХОФИЗИОЛОГИЯ ҲАМДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



МУНОСАБАТ

ЗУРРИЁДЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори

Бошланғич 1-бетада

Бундай масъулиятли вазифаларни бажаришда Тошкент давлат педагогика университети муайян тажриба жамланган таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги "Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан университет олий таълимнинг педагогика йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида республикамизнинг базавий олий таълим муассасаси этиб белгиланган.

Айни пайтда университетда таълимнинг кундузги, кечки, сиртки шаклларида 41 та бакалаврият таълим йўналиши ва 29 та магистратура мутахассислиги бўйича, шунингдек, Беларусь давлат педагогика университети



Иқтидорли талабалар билан олиб бориладиган ишлар самараси ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, бу йил икки нафар талабамиз Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби бўлди. Бир нафар талабамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясини ҳамда 9 нафар талабамиз номдор стипендияларни қўлга киритди.

моқли ишлар бажарилди. Кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 12306 нафар талабанинг 3300 га яқини иш билан таъминланди. Сўнги бир ойда университетнинг узига 150 нафар талаба, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларига 600 нафар талаба ишга жойлаштирилди.

Ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, назарий билимнинг ишлаб чиқариш амалиёти билан узвийлигини таъминлаш, битирувчиларни иш билан таъминлашга мақсадли ҳамкорлик йўлга қўйлади. Талабаларда мустакил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, педагогик кўникмаларни шакллантиришга эътибор кучайтирилади. Муассасамизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун талабаларнинг аудиторияда олган назарий билим ва кўникмаларини амалиётда мустақамлаш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида 80 дан ортиқ кафедра филиали ташкил этилди.

Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўналиши ҳам эътиборга лойиқ ишлар бажарилди. Сўнги 4 ойда хорижий мамлакатлар, хусусан, Россия Федерациясининг 4 та, Америка

66 ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШИДА ҲАМ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ. СЎНГИ 4 ОЙДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР, ХУСУСАН, РОССИЯ ФЕДЕЛАЦИЯСИНИНГ 4 ТА, АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ 1 ТА, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1 ТА НУФУЗЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИЛАН ХАЛҚАРО БИТИМ ВА МЕМОРАНДУМЛАР ИМЗОЛАНДИ.

Бу ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир.

Узининг қарийб 90 йиллик тарихи ва шонли аъёналарига эга бўлган университет битирувчилари бугун нафақат мамлакатимиз, балки қўпбал хорижий давлатларда педагогик фаолият билан машғул.

Узоқ йиллар мобайнида муассасада таълимнинг замонавий технология ва методларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш бўйича бой тажриба тўпланган. Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғини учун яратилган ўқув ва методик адабиётларнинг катта қисмига университет жамоаси аъзолари муаллифлик қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Келгуси ўқув йили учун дунёнинг етакчи 500 талабига қирган педагогика олий таълим ўқув режаларининг фанлар сони оптималлаштирилди. Талабаларнинг кредит-модуль тизими бўйича таълим натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш тартиби такомиллаштирилди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб педагогика соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг 4+2 схемаси асосида мактабларда бўлишини назарда тутган ўқув режалар асосида таълим жараёнига татбиқ этиш мўлжалланмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилган таълим муассасаларидаги ўқитиш сифати ва самарадорлигини ўрганиш ҳамда улар рейтингини тузишда катта аҳамият касб этмоқда. Университетнинг мамлакатимиздаги миллий олий таълим муассасалари рейтингидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида ҳам тизимли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 2022 йилда муассасанинг халқаро рейтингларда иштирокини таъминлаш учун QS-Hub (глобал рейтинг), минақаъвий рейтинг ва иш берувчилар рейтингини), Times Higher Education (THE) Impact RankingsUI GreenMetrics World University Ranking халқаро рейтинг йўналишлари бўйича муайян ишлар қилинмоқда.

Олийгоҳда талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида қатор амалий ишларга қўл урилмоқда. Тизимда бугунги долзарб вазифалардан бири бўлган талабалар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам сал-

қўшма Штатларининг 1 та, Корея Республикасининг 1 та нуфузли олий таълим муассасаси билан халқаро битим ва меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, Буюк Британия ҳамда Жанубий Корея университетлари билан ҳамкорлик бўйича музокаралар олиб боришмоқда. 2022 йил якунига қадар 20 дан ортиқ битим ва меморандум имзолаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ўқитиш тизими, жумладан, мактаб таълимини такомиллаштириш бўйича соҳа ҳодимлари олдига қўяётган вазифалар жамоамиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Юқорида айтилганидек, Тошкент давлат педагогика университети айнан мактаб таълими учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланди.

Талабаларнинг мустакил билим олиши учун имкониятни кенгайтириш, ижодий тафаккурини ривожлантириш, замонавий муаммоларни қўриш ва ҳал қилиш, малакасини такомиллаштириш бўйича амалий ишларни илмий излашни билан уйғун олиб бориш талаб этилади.

Таълим тизимидаги ислохотларнинг жойларга этиб бориши, кадрларнинг бугунги кун талабларини тўлиқ англаб етиши ва уларга жавоб беришига эришиш ҳам университет жамоасидан катта меҳнат талаб этилади.

Президентимиз таклифлари асосида қисқа муддатда университетда инсон капитали ресурсларини инвентаризация қилиш ва қайта тақсимлаш, ташкил этилган мобил-методик гуруҳлар фаолияти самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг илгор методикаларини маҳаллий хусусиятларга мос тарзда уйғунлаштириш, айниқса, табиий ва аниқ фанларни ўқитишнинг муқобил методикаларини яратиш борасида амалий ишлар бажарила бошланди.

Ҳозир биз зурриётларимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишга масъулимиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда янги Ўзбекистон янгида-янги юксак марра-ларга эришиши, инсоният бахт-саодати, фаровонлиги ва раўнақи учун ўрнат бўлишига шубҳа йўқ.

Хар бир халқ, миллатнинг илмий салоҳияти, тафаккур юксаклиги, маънавий камолоти унинг буюк фарзандлари фаолиятида яққол намоён бўлади.



Амиркул КАРИМОВ, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди раиси



9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Юртимизда буюк бобокалонимиз Амир Темурами билан боғлиқ жойлар кўп ва ҳар бири ўзига хос тарихга эга.

Наби ХУШВАҚТОВ, “Шаҳрисабз” давлат музей-қўриқxonаси бош директори, тарих фанлари номзоди, Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

СОҲИБҚИРОНГА СОЯ ВА ҲИМОЯ БЎЛГАН МАНЗИЛЛАР

Қалъаи Шерон

Яккабўғ туманидаги Ҳисор тоғининг денгиз сатҳидан икки минг метрдан зиёроқ баландда жойлашган Қалъаи Шерон дарасидан Қизилсув дарёси бошланади.

ошириш, жанга ҳозирлик каби ишларни кўздан пана жойларда амалга оширишга тўғри келган.



Ичкарига тахминан 65-70 метрлар юрилагач, олдинда қаттагина харсангтошли тўсиқ чиқади.

БИР КАЛОМ БИТДИРМИШ ЧЎНГ ОҚСАРОЙГА

Соҳибқирон Амир Темуру она халқимизнинг шаънини юксалтирган ана шундай ифтихор қилгулик фарзандлардандир.

Шунги доимо ёдда маҳкам тутингким, адолат ипини ўқутгудек бўлсангиз, уни фаолиятингизнинг асоси деб билмасангиз, сизни тахтага етаклаб келтирган барча нарсалардан мосуво бўлгансиз...

яратаиш юмушидир. Унинг фаолиятига муносабат билдирган тарихчилардан бири Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”да “Соҳибқироннинг майли иморат билан, дея таъкидлар экан, ...андин кўп иморатлар ва масжиду хонақоҳ ва работу кўфрук ва гайриху оламда бисёр қолиб турур”, деб ёзади.

Утган асрнинг 90-йиллари эди. “Ёш куч” журналида бўлим муҳаррири ва-зифасида хизмат қилардим.

Соҳибқирон пири муршид Мир Сайид Бараканинг ана шу пурҳикмат сўзларини умри давомида асло унутмади... “Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири давлат, мамлакат, фуқарога гамхўрлиги эди.

“Зафарнома” хотимасида ҳам Амир Темуру “биздан ёдгор қолмай, дея яхши ниютлар билан бунёд этган буқъаи хайр бинолари” ҳақида хабар беради.

Халқ ривоятларига кўра, бўлажак жонхонгир ўз лашкарлари билан бу манзил умрини макон тутганда, халқ уларни ардоқлаб “шерлар”га қиёслашган.

Қалъаи Шерондаги горнинг кириш жойи кенг ва баланд бўлса-да, ичкари-лаб борган сари тарайиб, 400 метрлардан кейин эмаклаб ўтиладиган кетма-кет учта йўлакка дуч келинади.

Форнинг энг кенг қисми шу жар ости бўлиб, тахминан 20 метрни ташкил этади.

Бу асар “Икки тўлқин” дея аталиб, рус тарихчи публицисти Владимир Череванский қаламига мансуб эди.

Бир кун Соҳибқиронга ривоят сўзлаб бердилар. Бу ривоятдан Темурубек ўз хулосасини ясади. “Бундан буён мен уйқудан тургандан то хобтоҳга кирганимга қадар икки назоратчи тайинлансин. Улар менинг кун давомида бажарган ишларимни кузатиб, кун якунида ўтган муддатда қандай хатоликларга йўл қўйганимни баён қилиб борсинлар”, деди у.

Кўхна Урганчда ҳозир Тошқалъа яқинида пештоқ саклини қолган. Уни рус олимлари карвонсарой қолдиги, деб тавсифлашган. Аслида у Арқ — Оққалъа ёнида қурилган Оқсаройдир.

Халқ ривоятларига кўра, бўлажак жонхонгир ўз лашкарлари билан бу манзил умрини макон тутганда, халқ уларни ардоқлаб “шерлар”га қиёслашган.

Тарағай қишлоғидаги гор

Худди шундай ном билан аталадиган яна бир гор — Чирокчи туманидаги Тарағай қишлоғида, Ҳисор тоғларига қарашли Зарафшон тоғ тизмаларида.

Фармонтош супаси

Қишлоқ аҳолиси орасида Буюк саркарда билан боғлиқ оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятлар жуда кўп.

Шомий “Зафарнома”да: “Хоразмда Амир Соҳибқирон ўз хоссаи шарофлари учун катта иморат тиклашни буюрди. Уни тезда қуриб битказдилар”, (1404) деб ёзади.

Кўздан уришларига кўра, бўлажак жонхонгир ўз лашкарлари билан бу манзил умрини макон тутганда, халқ уларни ардоқлаб “шерлар”га қиёслашган.

Тарағай қишлоғи аҳолиси ўртасида гор билан боғлиқ афсоналар жуда кўп учрайди.

Сир эмаски, шўролар тузуми даврида нафақат Амир Темуру номи билан боғлиқ жой номига, балки шахси ва фаолиятига ҳам адолатсизлик билан ёндашиб келинган.

Журналист сифатида менга Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темуру бобоим ҳайкалларининг очилиш маросимларида қатнашиб насиб этди.

Эл ишончини қозонган бу инсонни кўриш ниятида Соҳибқирон Маҳмуд Шаҳобни қошига чақирди.

Келди шахзода Убайди хуш рой, Айлади манзилин Оқсарой, деб ёзган.

Амир Темуру гори уч томондан табиий ҳимояга эга.



Маҳаллий аҳоли Амир Темуру номи билан атайдиган ушбу гор денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда жойлашган.

Сиз эмаски, шўролар тузуми даврида нафақат Амир Темуру номи билан боғлиқ жой номига, балки шахси ва фаолиятига ҳам адолатсизлик билан ёндашиб келинган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Оқсарой

Бир калом битдирмиш чўнг Оқсаройга Мозийда Темурубек Шаҳрисабзда: “Бозоги биномизга — сўнғис чиройга, Гар шубҳа қилсангиз қудратингизга”.

Гарчанд замон хайли бу лавҳ битилган Оқсарой пештоқин этса-да замин, Ҳамон мағрур турар бошсиз гавададай, Тириклар қатори тик тутиб қаддин.

Мен ундан ҳайратлар сўраб боргайман, Қошида гурурдан тинчар ақлим.

Ва лекин қудратдан кўпроқ ранеларда Мунис юрагини кўраман, халқим!..

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 959. 85049 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов Мусаҳҳис: Шероуд Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 2340 Топширилди — 0040